

---

## **СЕССИЯДА САЙЛОВ МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ**

Бугун Риштон тумани Кенгашининг навбатдаги 36-сессияси ўтказилди. Сессия ишида маҳаллий кенгашлар депутатлари, сектор раҳбарлари, туман ҳокими ўринбосарлари, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияси аъзолари (тавсия этилган), Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, оммавий аҳборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Сессия кун тартибига жорий йилнинг май ойида бўлажак фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш масаласи киритилди. Сессия кун тартибидаги масала юзасидан Халқ депутатлари туман кенгashi котибияти мудири М. Мамажонов иштирокчиларга тўлиқ маълумот берди ва фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияси аъзолигига тавсия этилганлар рўйхати билан таништирди. Сессияда кўриб чиқилган масала юзасидан Халқ депутатлари туман Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

Риштон тумани ҳокимлиги Аҳборот хизмати

2022-03-25 15:51:34